



МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ
ҚУРИЛИШИ ВА МОНТАЖИ (СУВ
ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВЛАРНИ
ОҚИЗИШ)

Тошкент архитектура-қурилиш
институти ҳузуридаги тармоқ
маркази

**ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
КОРХОНАЛАРИНИНГ СУВ
ТАЪМИНОТИ
ВА ОҚОВА СУВЛАРИНИ
ОҚИЗИШ**

ТОШКЕНТ-2020

Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: т.ф.н., доцент **Буриев Э.С.**

Тақризчи: Хорижий эксперт **Микаел Гартнер** (АҚШ).

Тошкент темир йўл мухандислари институти т.ф.н.,доцент
У.Бахромов

Ўқув -услубий мажмуда ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	26
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	44
VI. ГЛОССАРИЙ	46
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	48

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзgartирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Янги ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” **модулининг мақсади:**

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ишлаб чиқариш корхоналари айланма сув таъминоти тизимларида янги технологияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича қўнікма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Янги ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” **модулининг вазифалари:**

- педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, ишлаб чиқариш корхоналарида сув таъминоти тизимларини ташкил қилиш модулининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари, ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизимларини ташкил қилиш технологиялари ва геоахборот тизимлари соҳасидаги инновациялар ҳамда долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизимлари ва геоахборот тизимларига доир проектив, прогностик ва креатив компетентликни ривожлантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўнікмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Янги ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши курсини ўқитищдаги илғор хорижий тажрибалар ҳақида;

-ишлаб чиқариш корхоналарида сув таъминоти ва оқоваларни оқизиши тизимларини лойиҳалашда ишлатиладиган меъёрий ҳужжатларни;

- ишлаб чиқариш корхоналарида сув таъминоти ва оқоваларни оқизиши тизимларини лойиҳалаш меъёрлари, тартиби ва қоидаларини;

- айланма сув таъминоти ва оқоваларни оқизиши тизимларини лойиҳалаш, ҳисоблаш ва уларни эксплуатация қилиш жараёнларида ишлатиладиган замонавий технологияларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини

оқизиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ эта олиш;

- ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш тизимларини лойиҳалаш технологияларини қўллаш;

- айланма сув таъминоти тизимларини лойиҳалашда янги қурилиш ашёлари ва жихозларни ишлатиш ҳамда энергия, сув ва бошқа ресурслар тежамкорлигини таъминловчи технологияларни қўллаш **қўнікмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- янги ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш тизимларини таркибидаги тармоқ ва иншоотларни замонавий лойиҳалаш, ҳисобларини олиб бориш ва уларни эксплуатация қилиш;

- ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш тизимларини лойиҳалашда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб лойиҳавий ечимларни тўғри танлай олиш ва танланган ечимларини объектив баҳолай олиш;

- лойиҳалаш даврида электрон дастурлардан кенг фойдаланиш, айниқса тозалаш иншоотлар ишини моделлаштирадиган ва лойиҳа чизмаларини яратадиган дастурларини жорий этиш;

- айланма сув таъминоти тизимларини лойиҳалашда илгор инновацияларни қўллаган ҳолда ўкув жараёнини такомиллаштириш, инновацион таълим технологиялари асосида ўкув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш курсини ўқитишида талабаларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш ҳамда мутахассисларни тайёрлашда етарли билим ва кўнікмаларга эга бўлган касбий-педагогик **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Янги ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиш.” модулини ўқитиши жараённида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараённида лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Янги ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Сув таъминоти ва канализация тизимларини эксплуатация қилиш ва бошқариш”, “Сув таъминоти ва канализация тизимларининг лойиҳалаш усулларини таҳлил қилиш”, “Қишлоқ тараққиёти ва якка тартибдаги уйларнинг сув таъминоти ва оқова сувларини оқизиши” ва бошқа барча блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ушбу фан ўз мақсади ва вазифалари билан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларни тозалаш тизимларини замонавий лойиҳалаш ва фойдаланиш технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг укув юкламаси, соат				Кучма машғулот	
		Ҳаммаси	Аудитория укув юкламаси		Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий		
1	Шаҳар, ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва канализация хужаликларини бошқаришда	6	6	2	4		

	янги замонавий технологиялар шархи. Ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти тизимлари. Ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти тизимларининг синфланиши ва уларнинг шакллари. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат кўрсатгичларига талаблар.					
2	Корхоналарда сув таъминоти баланси (UZKORGAZ мисолида). Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизимини тузиш тамойиллари.	2	2		2	
3	Ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнлари учун сув тайёрлаш. Сувнинг технологик кўрсатгичларини тузатишнинг янги талаблар асосида амалга ошириш ва градир курилмалар.	4	4	2	2	
4	Ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш (GTL ишлаб чиқариш корхонаси мисолида). Ишлаб чиқариш оқова сувларини чуқур тозалаш(GTL ишлаб чиқариш корхонаси мисолида).	4	4		2	2
5	Ишлаб чиқариш сувларни зарарсизлантириш ва заҳарсизлантириш. Ишлаб чиқариш оқова сувларни зарарсизлантириш услублари, курилмалари ва иншоотлари, қўллаш шартлари. Тозаланган оқова сувларни сақлаш.	4	4		2	2
Жами		20	20	4	12	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Шаҳар, ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва канализация хужаликларини бошқаришда янги замонавий технологиялар шархи.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти тизимларининг синфланиши ва уларнинг шакллари. Сув таъминоти тизимида иншоотлар. Ишлаб чиқариш корхоналарида техник сувдан фойдаланиш. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат қўрсатгичларига талаблар. Корхоналарда сув таъминоти баланси. Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизимини тузиш тамойиллари. Табиий сувларни ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнлари учун тайёрлаш услублари. Иссиқлик элтувчи агент сифатида сувдан қайта фойдаланиш. Сув хоссаларини барқарорлаштириш. Сувнинг технологик қўрсатгичларини тузатиш. Сув таркибидан эриган газларни чиқариш. Сув совутиш қурилмалари.

2-мавзу: Ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнлари учун сув тайёрлаш.

Сув тозалаш усуллари. Сув сифатига қўйилган талаблар ва уни тозалаш усуллари. Истеъмолчиларнинг сув сифатига бўлган талаблари. Сув тозалаш жараёнлари. Сув тозалаш схемалари. Сувни коагулянт қўшиб тозалаш. Сув тозалашда ишлатиладиган реагентлар. Сув лойқасининг чўкиши. Сув тозалашни тезлаштирувчи янги' флокулянтлар. Сувни юмшатиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Шаҳар, ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва канализация хужаликларини бошқаришда янги замонавий технологиялар шархи.

Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизимларини бош режасини ва сув баланси шаклини тузиш. Айланма сув таъминоти тизимларини тармоқларини гидравлик ҳисоблаш дастурлари. Лойихалаш жараёнларида геоахборот тизимларидан фойдаланиш ва маълумотлар базасини шакллантириш. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат қўрсатгичларига талаблар.

2- амалий машғулот: Ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти тизимлари. Ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти тизимларининг синфланиши ва уларнинг шакллари. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат қўрсатгичларига талаблар.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини бош режасини ва сув баланси шаклини тузиш. Ёпиқ занжирли сув таъминоти тизимларини тармоқларини гидравлик ҳисоблаш дастурлари. Лойихалаш жараёнларида геоахборот тизимларидан фойдаланиш ва маълумотлар базасини шакллантириш. Сув истеъмолини меъёрлари, тартиби ва сувнинг сифат кўрсатгичларига талаблар.

3- амалий машғулот: Корхоналарда сув таъминоти баланси (UZKORGAZ мисолида).

Корхоналарда сув таъминоти балансини тузиш. Табиий сувларни саноат корхоналари технологик жараёнлари учун тайёрлаш. Табиий сувларни тайёрлаш учун услублар ва иншоотлар. Иссиқлик элтувчи агент сифатида сувдан фойдаланиш.

4- амалий машғулот: Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминоти тизимини тузиш тамойиллари.

Сув хоссаларини барқарорлаштириш. Сувнинг технологик кўрсатгичларини тузатиш. Сув таркибидан эриган газларни чиқариш. Сув совутиш қурилмалари.

5- амалий машғулот: Сувнинг технологик кўрсатгичларини тузатишнинг янги талаблар асосида амалга ошириш ва градир қурилмалар.

Реагент хўжалиги. Сувни юмшатадиган катионитли иншоотларнинг ёрдамчи қурилмалари. Икки қатламли тез ишловчи фильтрлар. Контактли тиндиргичлар. Фильтрлар ишлаш тезлигини бошқарувчи қурилмалар. Реакция камералари.

6- амалий машғулот: Ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш (GTL ишлаб чиқариш корхонаси мисолида). Ишлаб чиқариш оқова сувларини чукур тозалаш(GTL ишлаб чиқариш корхонаси мисолида).

Ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиши ва тозалаш тизимлари. Ишлаб чиқариш оқова сувларининг тоифалари. Оқова сувларни кимёвий таркиби ва хоссалари. Ишлаб чиқариш корхоналарининг сув таъминоти ва оқоваларини оқизиши тизимлари ва шаклларини танлаш тамойиллари. Оқоваларни шаҳар канализация тармоқлари ва очиқ сув ҳавзаларига қўшиш шартларини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш. Оқоваларни тозалаш усуллари. Оқова сувларни ўрталаштириш жараёни ва ўрталагичлар ҳисоби. Ишлаб чиқариш оқова сувларини механик, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик тозалаш иншоотлари. Тозалаш жараёнларида

ҳосил бўладиган чўқмалар. Ишлаб чиқариш оқова сувларини чуқур тозалаш иншоотлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Фикр: “*XXI-асрдан бошлиб сув таъминоти соҳасида айланма сув таъминоти тизимлари ягона ечим сифатида ривожлана бошлади*”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий

машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучли томонлари	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши тизимида жорий қилинаётган инновацион технологиялар тизимда рўй берадиган ўзгаришларҳақида тезкор хабар бериш, бошқаришга имкон яратади. Шунингдек энергия ва бошқа ресурс сарфларини иқтисод қилишга ёрдам беради.
W	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучсиз томонлари	Айланма янги технологияларни кўллаш қўшимча маблағ, янги асбоб ускуна, замонавий техникани талаб қиласди.
O	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	Айланма сув таъминоти тизимлари энг асосий ресурс - сувни иқтисод қилишга ва экологияни сақлашга имкон яратади.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиши соҳасида олиб бораётган

	амалий тадқиқотлар тизимининг камчиликлари
--	---

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки катнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

“Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими сувни ҳавзадан олиш, уни тайёрлаш(тозалаш), сақлаш, узатиш ва ҳосил бўладиган оқоваларни чиқариши учун мўлжассланган тизимга айтилади. Сувдан қайта фойдаланиладиган кетма-кет сув таъминоти тизимида бир ишлаб чиқариши технологиясида ҳосил бўлган оқовалар иккинчи ишлаб чиқаришида ишлатилади. Зарур пайтларда оқовалар маълум даражагача тозаланиши мумкин. Айланма сув таъминоти тизимида ҳосил бўладиган оқова сувлар маҳсус инишотларда тозаланиб ёки совутилиб қайтадан ишлаб чиқаришига жўннатилади. Сувсиз технологиялар тизимида ишлаб чиқаришида умуман оқова сув ҳосил бўлмайди ёки у қаттиқ чиқиндилар таркибиغا кириб қолади”

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими</i>	<i>Тўғри чизиқли сув таъминоти тизими- сувни ҳавзадан олиши, уни тайёрлаш(тозалаб), сақлаи, узатиши ва ҳосил юўладиган оқоваларни чиқарии учун мўлжалланган тизимга айтилади.</i>	
<i>Айланма сув таъминоти тизими</i>	<i>Айланма сув таъминоти тизимида ҳосил бўладиган оқова сувлар маҳсус инишоотларда тозаланиб ёки совутилиб қайтадан ишлаб чиқаршига жўнатилади.</i>	
<i>Сувдан қайта фойдаланиладиган кетма кет сув таъминоти тизими</i>	<i>Сувдан қайта фойдаланиладиган кетма кет сув таъминоти тизимида бир ишлаб чиқарши технологиясида ҳосил бўлган оқовалар иккинчи ишлаб чиқаршида ишлатилади. Зарур пайтларда маълум тозалаш дан кейин.</i>	
<i>Сувсиз технологиялар тизими</i>	<i>Сувсиз технологиялар тизимида ишлаб чиқаршида умуман оқова сув ҳосил бўлмайди ёки у қаттиқ чиқиндишлар таркибида қолади.</i>	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

2-назарий Ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнлари учун сув тайёрлаш.

Режа:

- 2.1. Сув тозалаш усуллари. Сув сифатига қўйилган талаблар ва уни тозалаш усуллари.
- 2.2. Сув тозалаш схемалари. Сувни коагулянт қўшиб тозалаш.
- 2.3. Сув лойқасининг чўкиши. Сувни юмшатиш.
- 2.4. Истеъмолчиларнинг сув сифатига бўлган талаблари.
- 2.5. Сув тозалашни тезлаштирувчи янги' флокулянтлар.

Ер ости ва ер устидаги сувларнинг сифатлари. Марказий сув таъминотида ишлатиладиган ер ости ва ер устидаги сувлар ўз хусусиятларига кўра ҳар хилдир. Очик ҳавзаларнинг сувлари бактерияларнинг, лойқанинг кўплиги, гуллаганлиги ва тузи камлиги билан ажралиб турса, ер ости сувлари рангсизлиги, тиниқлиги, бактерияларнинг йўқлиги, таркибида туз миқдори кўплиги ва бундан ташқари темир, фтор, эриган газлар борлиги билан ажралиб туради.

Сувнинг физик хусусиятларига унинг ҳарорати, лойқалиги, ранги, мазаси, хиди киради, химиявий хусусиятига сувдаги химиявий моддаларнинг кам ёки кўплиги киради.

Сувнинг ҳарорати ҳар хил бўлади. Дарё, канал, анхор, салор, ариқ сувларининг ҳарорати ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, 0—30° атрофида ўзгарса, ер ости сувларида ўзгариш кам (5—15°) бўлади.

Лойқалик ҳамма ер бетидаги очик сувларга хос хусусиятдир. Дарёларда қум ва тупроқ заррачалари қирғоқ ва ўзанларнинг ювилишидан ҳосил бўлади. Сувнинг лойқалиги йил давомида жуда ўзгариб туради.

Сув лойқалигини тиниқлик деган тушунча орқали ҳам белгилаш мумкин. Сувнинг лойқалигини ўлчаш учун маълум миқдордаги сув қоғоз фильтрдан ўтказилиб, 105° да қуритилганидан кейин тарозида тортиб ўлчанади, тиниқлигини ўлчаш учун сув стандарт шаклда тайёрланган шиша цилиндрга солинади, цилиндр тагига стандарт буйича ёзилган қалинлиги 1 мм лик ҳарфлар қўйилади. Юкоридан қаралганда шу ҳарфлар аниқ кўрингунича сувни кўпайтириб-камайтириб борилади. Ҳарфларни сув остидан ўқиш мумкин бўлган ва миллиметрда ўлчанган қалинлик шу сувнинг тиниқлигини билдиради.

Сувнинг ранги дейилганда сувдаги гумин моддаларнинг сув рангини ўзгартириши тушунилади. Сувнинг ранги платин-кобальт шкаласи бўйича градусларда ўлчанади.

Сувнинг мазаси ва ҳиди ҳар хилдир. Унинг мазаси аччикроқ, шўр, нордон, ширин бўлиши мумкин.

Сувнинг ҳиди ҳосил бўлишига қараб табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Табиий ҳид (ботқоқ, чириган ҳид, лой ҳиди, водород сульфид гази ва бошқалар) тирик ва жонсиз организмлардан, қирғоқларнинг ювилишидан, ўсимликлардаи пайдо бўлади.

Сунъий ҳид (хлорли, фенолли, нефтли, хлорфенолли ва бошқалар) сувларга тозаланмаган чиқинди сувлар тушишидаи пайдо бўлади.

Сувнинг ҳиди ва мазаси унга қўшиладиган тоза сув миқдорига қараб аниқланади. Сув мазаси ва ҳиди шартли беш балли шкала бўйича ўлчанади: I) жуда кучсиз, 2) кучсиз, 3) сезиларли, 4) аник, 5) кучли,

Ер ости ва ер усти сувларининг химиявий таркиби ҳар хил бўлиб, қўйидаги асосий кўрсаткичлари билан: оксидланиши, қуруқ қолдиқ бўлиши, ишқориyllиги, қаттиқлиги, таркибida темир, марганец, хлоридлар, фторлар ва бошқа моддалар борлиги билан характерланади.

Қуруқ қолдиқ дейилганда сувдаги органик ва ноорганик моддаларнинг (газлардан ташқари) умумий миқдори (ҳар литрида миллиграмм) тушунилади. Уни аниқлаш учун маълум миқдордаги сув буғлантирилиб, қолган қолдиқ $105—110^{\circ}$ да оғирлиги ўзгармайдиган бўлгунича қуритилади.

Лаборатория тажрибасида яна қуруқ ва куйдирилган қолдиқ деган тушунчалар ҳам бўлиб, қуруқ қолдиқ деганда сувда эриган ҳавога учеб кетмайдиган моддалар тушунилса, куйдирилган қолдиқ—ноорганик моддаларнинг оксидланиши (газлардан ташқари) тушунилади.

Сувнинг қаттиқлиги сувда эриган кальций ва магний тузларининг борлиги билан характерланади. Сувнинг қаттиқлиги сувни ишлатиб бўлиш-бўлмаслигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Сув қаттиқлиги умумий, карбонатли ва карбонатсиз қаттиқликларга бўлинади. Умумий қаттиқлик дейилганда карбонатли ва карбонатсиз қаттиқликлар йиғиндиси тушунилади. Карбонатли қаттиқлик дейилганда сувдаги кальций ва магнийнинг карбонатли ва бикарбонатли тузлари борлиги тушунилади.

Карбонатсиз қаттиқлик дейилганды сувдаги кальций ва магнийнинг карбонатсиз тузлари—сульфатлар, хлоридлар, нитратлар ва силикатлар борлиги тушунилади. Сувнинг қаттиқлиги литрига миллиграмм-эквивалент билан ўлчанади.

Сувнинг реакция активлиги сувдаги водород ионларининг кўп ёки камлигини характерлайди, сувнинг кислотали ёки ишқорийлик хусусиятини кўрсатади.

Сувда водород ионларининг кўп ёки кам бўлиши pH билан белгиланиб, бу ифода сувдаги водород миқдорининг тескари логарифмини кўрсатади. Нейтрал реакцияда $pH=7$, кислотали реакцияда $pH<7$ ва ишқорийли реакцияда $pH>7$ бўлади.

Сувнинг ишқорийлиги литрида миллиграмм-эквивалент билан ўлчаниб, сувдаги бикарбонат, карбонат, гидрат ва қучсиз кислота тузлари борлигидан далолат беради, шунинг учун сув бикарбонатли, карбонатли ҳамда гидратли ишқорийликларга ажратилади.

Оксидланишида кислород ҳар литрида миллиграмм билан ўлчаниб, бу сувдаги органик ва тез оксидланадиган ноорганик моддалар борлигини кўрсатади.

Темир, ҳар литрда миллиграмм билан ўлчаниб, у сувда темир (II)-оксид ёки темир (III)-оксид борлигини характерлайди. Ер ости сувларида темир кўпинча эриган икки валентли ҳолда учрайди, ер бетидаги сувларда эса коллоид ва бошқа моддалар билан бириккан ҳолда ва яна нордон гумин темир ҳолида учрайди.

Марганец, литрида неча миллиграмм бўлишига қараб аниқланиб, кўпинча темир билан бирга бикарбонатли темир (II)-оксид ҳолида учрайди.

Силикат кислота, литрида неча миллиграмм бўлишига қараб аниқланиб, ер бети ва ер остидаги сувларда ҳар хил: бирикма ҳолдаги турларидан тортиб ион кўринишгача учрайди. Таркибида силикат кислота бўлган сувларни юқори босимли қозонларга солиб бўлмайди.

Азотли бирикмалар сувда нитрат (HPO_3) ва нитрит кислота (HPO_2) ҳамда аммиак ҳолида учрайди. Сувда бу моддаларнинг бўлиши унинг чиқинди сувлар билан ифлосланганлигини кўрсатади. Сувда аммиак бўлса сув яқиндагина ифлосланган, нитрит кислота бўлса озроқ олдин ифлосланган, нитрат кислота бўлса сув ифлосланганига анча вақт бўлган бўлади. Юқоридаги ҳоллар муҳофаза қилинмаган очик сув ҳавзаларида учрайди.

Юқоридаги бирикмалар чиқинди сувлар ташланишидан муҳофаза қилинганда ҳам бўлса, у ҳолда сувдаги бу моддалар иоорганик бирикмалардан ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Хлоридлар ва сульфатлар (литрида миллиграмм) ер ости ва ер усти сувларида натрий, кальций ва магний тузлари ҳолида учрайди.

Йод ва фтор (литрида миллиграмм) ер ости ва очик ҳавза сувларида соғ ҳолда учрайди. Бу моддаларнинг аҳоли соғлиғи учун гигиеник хусусияти катта.

Эркин газлар кислород, водород сульфид, карбонат кислота ер ости ва ер бетидаги сувларда катта оралиқда учрайди.

Сувда кислород билан карбонат кислотанинг бўлиши сувнинг ичимлик хусусиятига таъсир қиласа ҳам, металларни занглатади, бетонларни емиради. Сувда водород сульфид бўлса, ундан сассиқ ҳид келади ва бундан сувлар металларни занглатади.

Сув бактерия ва вируслар билан унга тозаланмаган чиқинди сувлар тушишидан ва ёмғир қирғоқларни ювиб тушишидан, одамларнинг чўмилишидан ҳамда ҳайвонларни сугориш вақтида ифлосланади. Сувнинг бактерия билан ифлосланганлиги бир миллилитр сувдаги бактериялар сони билан характерланади.

Аҳоли ҳаёти учун инфекцион гепатит, қорин тифи, дизентерия, вабо, полиомелит ва бошқа оғир касалликлар тарқатувчи бактерия ҳамда вируслар хавфлидир. Шу бактериялар борлигини кўрсатувчи омил сифатида ичак таёқчаси бактерияси олинган. Ичак таёқчаси бактерияси ўзи заарсиз бўлса ҳам унинг сувда бўлиши сувнинг одам ёки ҳайвон чиқиндилари билан ифлосланганлигини кўрсатади. Ер бетидаги сув ҳавзаларида бундан бошқа яна ҳар хил майда ўсимлик ва тирик организмлар—зоо-ва фитопланктон, зоо-ва фитобентос бўлади.

Бу организмлар сув таркибида ёки ўзан таркибида учрайди.

Истеъмолчиларнинг сув сифатига бўлган талаблари.

Аҳоли ичадиган ва хўжаликда ишлатиладиган сув сифатига ДТС 950—2000 бўйича қўйидаги талаблар қўйилади:

лойқалиги, ҳар литрида 1,5 миллиграммдан кўп бўлмаслиги;

тиниклиги сарф сув остига қўйиб қаралганда 30 см дан кам бўлмаслиги;

ранги платин-кобальт шкаласи бўйича 20° дан катта бўлмаслиги;

мазаси ва ҳиди 20° да 2 баллдан кўп бўлмаслиги;

темир микдори литрида 0,3 миллиграммдан кўп бўлмаслиги;
фтор микдори ҳар литрида 0,8—1,5 миллиграмм бўлиши;
қаттиқлиги литрида 7 мг-экв дан катта бўлмаслиги керак.

Айрим ҳоллардагина санитария органларининг рухсати билан қаттиқлиги литрида 14 мг-экв гача, ранги 35° гача, лойқалиги ҳар литрида 3 миллиграммгача бўлган сувни истеъмол қилиш рухсат этилади.

Ичимлик сувнинг ҳар литрида қўрғошин 0,1, сурма 0,05, мис 3, рух 5, марганец 0,3 миллиграммдаи ошмаслиги керак.

Бир миллилитр ичимлик сув 24 соат ичида 370 да маҳсус озуқага солиниб сақланганда, ундан ўсиб чиқсан бактериялар сони — 100 тадан, ичак таёқчаси бактериясининг сони 1 л сувда учтадан кўп бўлмаслиги керак.

Сувнинг реакция активлиги pH 6,5 дан кам, 9,5 дан кўп бўлмаслиги керак. Сувга хлор кўшилганда сувдан хлорфеноль ҳиди келмаслиги зарур.

Ахоли ичадиган ва хўжалик мақсадларида ишлатадиган сувнинг оптималь ҳарорати 7—10° ҳисобланиб, 35° гача бўлган сувни истеъмол қилишга рухсат этилади.

Ичиладиган ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган сув манбаи ДТС 950—2000га мувофиқ танланади. Бу ГОСТ га мувофиқ танланган сув манбаи сувнинг ҳар литрида қуруқ қолдиқ 1000 миллиграммдаи ошмаслиги керак. Бундан сув манбалари бўлмаса хлориди ва сульфати кўп сувларни чучуклаштириб ичимлик ҳолга келтириш мумкин. Айрим ҳолларда бошқа сув манбаи бўлмаса давлат санитария органларининг рухсати билан таркибида қуруқ қолдиқ кўп бўлган сувни ишлатишга рухсат этилади.

Саноат корхоналари истеъмол қиласидан сувга қўйилган талаблар ҳар хил бўлиб, саноат корхонаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотга ва ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ. Саноат корхонасида жуда кўп сув технология ускуналарини совитишга ишлатилади. Бунинг учун асосан сув қаттиқ бўлмаслиги ва мумкин қадар лойқа кам бўлиши керак. Масалан, қутичани яхлатиш қурилмаси учун сувнинг ҳар литрида 30—50 миллиграммгача, қувурли яхлатиш қурилмасида 50—400 миллиграммгача лойқа бўлиши рухсат этилади.

Айланма системали сув таъминотида қўшимча сув билан системани тўлдириб туриш учун олинадиган сув қаттиқ бўлмаслиги керак. Унинг ҳар литрида темир 0,5 миллиграммгача бўлиши рухсат этилади. Темири кўп бўлган сувни совитувчи қурилмалар кислород билан бойитилганида сувда темир гидрооксиди пайдо бўлади, бу эса қувур ва ускуналарда занг қатламлари ҳосил қиласиди. Темирли чўкма металл қувурлар билан гальваник микроэлементлар ҳосил қиласиди, бу эса металларни занглашга олиб келади.

Сув совитувчи курилмаларда қаттиқлик ҳосил қилувчи тузлар чўкмаслиги учун сувнинг ҳароратини $50-60^{\circ}$ дан оширмаслик керак, кўп ҳолларда сувнинг ҳарорати $30-40^{\circ}$ дан оширилмайди.

Сув иситиладиган қозонларда ишлатиладиган сувнинг сифатига жуда муҳим талаблар қўйилади, бундан сувда лойқа бўлмаслиги керак. $16-30$ атм. босимга мўлжалланган қозонларда ишлатиладиган сувнинг қаттиқлиги литрида $0,02$ мг-экв. дан ошмаслиги лозим. Яна бундай сувлардаги силикат кислота, карбонат кислота, эркин кислород, сульфатлар, хлоридлар миқдори белгиланганидан ошмаслиги зарур.

Икки оқимли тез ишловчи фильтрлар.

Бундай фильтрлар одатдаги тез ишловчи фильтрлардан тўзилиши жиҳатдан фарққилмайди. Фақат фильтровчи материал икки хил бўлиб, улар бир-бирларидан солиширима оғирликлари билан фарққилади.

Икки қатламли фильтрларда кварцли қум билан бирга антрацит кўмир ёки керамзит ишлатилади. Антрацит ва керамзит кварцли қум қатлами ning юқорисида бўлади. Йириклиги пастдан юқорига камайиб борадиган қум билан тўлдирилади. Тозаланадиган сув пастдан юқорига қараб юборилади, шунинг учун ифлоснинг асосий қисми қум қатлами ning пастки йирик бўлган қисмида ушланиб қолади. Қум қатлами $2-2,5$ м олинади, қум заррачаларининг йириклиги эквивалент диаметри $0,9-1,3$ мм, бир хил эмаслик коэффициенти $2,5$ гача бўлади. Йириклиги $2-32$ мм шағал олинади. Фильтровчи қатлам катта бўлгани учун контакти тиндиргич узоқвақт ювилмайди. Контактли тиндиргични ювишда пастдан сувни ҳар квадрат метрга секундига $15-17$ л миқдорида $7-8$ минут юборилади. Қум қатлами ning нисбатан кенгайиши $25-30\%$ бўлади. Бундай иншоотни ювишда тозаланмаган сувданфойдаланиш мумкин, лекин бундай сувнинг лойқалиги литрига 10 миллиграммдан ва коли индекси 1000 дан кўп бўлмаслиги керак.

Кейинги вактда контактлитиндиргични ювишда ҳаво билан сув аралашмаси ишлатилмоқда.

Ювилган сув тарновлар орқали ёки ён томонда қурилганохирлар орқали чиқариб юборилади. Тарновларга ювилган сув бир меъёрда тушиши учун тарновнинг ҳар $100-150$

мм оралиғида чуқурлиги 40—60 мм бўлгануч бурчак шаклдагисув тушувчи тирқишлар қурилади ёки сув ичига диаметри 100—150 мм ботирилган диаметри 30—50 мм ли тешиклар ўрнатилади.

Контактли тиндиригичда сувнинг ўтиш тезлиги соатига 5 м бўлади. Ювишлар орасидагивақт⁸ соатдан кам бўлмаслиги керак. Зўр бериб ишлаган вақтда сувнинг ўтиш тезлиги соатига 6 м дан ошмаслиги, ювишлар орасидаги вақт эса 6 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Бу иншоотни ишончлилигини ошириш учун ва фильтрқатлами ning тозалигини таъминлаш учун берилаётгансувга хлор қўшилади.

Шуни айтиш керакки, бу иншоотда лойқаси литрига 150 миллиграммгача бўлган сувни берилаётганвақтда сувдаги ифлосликларнинг катта бўлаклари фильтрнинг ғовакларини ёпиб қўймаслиги учун адабиётда сувни кирувчи камера деб аталган иншоот орқали ўтказиш тавсия этилади. Бу иншоот 3x3 ёки 4x4 м, чуқурлиги эса 3—4 м олинади. У темир-бетондан қурилган таги конуссимон иншоотдир. Унга сув иншоотнинг ўрта қисмидан берилади ва сув юқорига қараб кўтарилади. Сувдаги катта жинс заррачалари пастга тушади. Сув юқоридадевор бўйлаб қурилган тарновлар орқали олинади. Бу иншоотда сув 2—3 минут туришга мўлжалланган.

Фильтрлар ишлаш тезлигини бошқарувчи қурилмалар. Фильтрда йўқотилган босим қумли қатламдан, тешикли қувурлардан, коллекторлардан ва фильтрни бошқарувчи зулфиндан ўтаётганида йўқотилган босимлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Фильтрлар бир хил тезликда ёки ўзгарувчан тезлик билан ишлаши мумкин.

Фильтрнинг бир хил тезликда ишлаши фильтр тезлигини бошқарувчи системалар орқали таъминланади.

Фильтр ишлай бошлаганидан кейин бирмунча вақтётиши билан қум оралари тўла бошлайди ва сув кам ўтади ёки бошқача қилиб айтганда фильтрдан сув ўтиш тезлиги камая бошлайди. Фильтрдаги олдинги тезликни таъминлаш учун сув чиқаётган қувурдаги зулфин каттароқ очилади. Демак, фильтр ишлай бошлаганидан ювилгунича зулфин озгина-озгинадан очиб борилади. Зулфинни бундай очиш фильтр станциясидаги операторнинг қўл кучи билан амалга оширилади ёки автомат

шаклда бошқарилади.

Фильтр қум қатлами ораларига ифлосликлар тўлиб зичланиб қолганида зулфин очилса ҳам барибир сув ўтиши камаяди ва сув фильтрнинг юқорисидан ошиб тушиши мумкин. Ана шу вақтда фильтр ювилади ё бўлмаса фильтрдан одатда соатига 8 м тезликда сув ўтиши керак бўлсаэнг камида соатига 6 м деб қабул қилинса сув ўтиши ана шу тезликдан камайган вақтда фильтр ювилади.

Ўзгарувчан тезлик билан ишловчи фильтрларда эса фильтр ишлай бошлаганида сув чиқадиган зулфин тўлиқ очиб қўйилади. Фильтр ишлаш жараёнида тезлик камайиб бораверади.

Ўзгарувчан тезлик билан ишловчи фильтрга қараганда ўзгармас тезлик билан ишловчи фильтр яхшироқ ҳисобланади.

Тезлиги ўзгармайдиган фильтрларда зулфин қўлда каттароқ очиб юборилса тезлик кучайиб ифлос ўтиб кетиши мумкин, озроқ у очилса тез-тез, ҳар бир икки соатда очиб туришга тўғри келади.

Зулфин автоматик равишда очилганда секин ва тинимсиз очилади, фильтрдан ўтувчи сув тезлигининг бир хиллиги таъминланади.

Фильтрдан ўтаётган сувдаги босимнинг камайишини ёки фильтрдаги сув сатхининг ўзгаришини сув чиқаётган кувурдаги зулфин орқали бошқарилганида бундай қурилма тўғри таъсир қилувчи қурилма дейилади.

